



ARTICLE INFO

Received: 28th May 2022

Accepted: 02nd June 2022

Online: 05th June 2022

KEY WORDS

бола ҳуқуқлари, одам савдоси, чақалоқ савдоси, БМТ конвенцияси.

Инсон ва унинг ҳаёти қадимдан ҳамиша инсониятнинг диққат марказида турган асосий мавзу бўлиб келган. Дунёда яратилган барча қулайликлар ҳам аслида инсон манфаатини кўзлаб яратилган. Бироқ XXI аср инсон учун жуда кўп салбий унсурларни олиб келди. Бу – терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, фоҳишабозлик муаммоси, миссионерлар найранглари ва шу каби тараққиётга тўсқинлик қиладиган бошқа иллатлар.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

НЕГА «ЧАҚОЛОҚ» ЛАР СОТИЛМОҚДА?

Аббосов Зафар Равшанович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6652031>

ABSTRACT

Мазкур мақолада бугунги кунда Республикамизда авж олган одам савдоси жиноятининг бир хавфли кўриниши ҳисобланган чақалоқлар савдоси ёритилган. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси Нью-Йорк шаҳрида 1989 йил 20 ноябрь кuni қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрь кuni кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-XII-сонли «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ қўшилган. Конвенция Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирган. Ушбу конвенциянинг 5-11-моддаларида ҳаётга, исмга, фуқароликка, ота-онасини билиш ҳуқуқига, ота-онанинг ғамхўрлиги ва ажралмаслигига, ота-оналарнинг болаларга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари назарда тутилган. Чақалоқ савдоси жинояти бўйича қонунчиликда муаммолар бўлиб уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

13-моддасида,

Республикасида

умуминсоний

асосланади, уларга кўра инсон, унинг

ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати

ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий

қадрият ҳисобланади” дейилган.

Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари

давлат муҳофазасида эканлиги

белгилаб берилган.

Ўзбекистонда одамлардан қонунга

хилоф тарзда фойдаланишга, уларнинг

ғайриқонуний меҳнат миграциясига ва

одам савдосига қарши кураш юзасидан

“Ўзбекистон

демократия

принципларга

асосланади, уларга кўра инсон, унинг

ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати

ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий

қадрият ҳисобланади” дейилган.

Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари

давлат муҳофазасида эканлиги

белгилаб берилган.

Ўзбекистонда одамлардан қонунга

хилоф тарзда фойдаланишга, уларнинг

ғайриқонуний меҳнат миграциясига ва

одам савдосига қарши кураш юзасидан



давлатимиз томонидан тадрижий, аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аmmo бугунги кунда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган уюшган трансмиллий жиноятчилик кўринишларидан бири, одамлардан қонунга хилоф тарзда фойдаланиш ва одам савдосидир .

Мазкур муаммо кўпқиррали бўлиб унинг ечимини топиш кўп қиррали ёндашувни талаб қилади. Одамлардан халқаро миқёсда фойдаланиш учун уларни ёллаш, яъни одам савдоси деб аталадиган бу жиноят ҳам қурол-яроғ ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан боғлиқ сердаромад жиноятларга ўхшаш бўлиб, бу борадаги уюшган жиноий фаолият мўмай даромад келтириши, амалга ошириш усуллари эса ўта махфий ва хавfli эканлиги билан ажралиб туради. Одам савдоси-инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда .

Қолаверса, одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш алоҳида жиноий таркибни ташкил этади .

Одам савдоси жинояти бу аср вабоси деб ҳам ном олди. Бироқ бугунги кунга келиб бола савдоси, яъни чақалоқлар савдоси авж олиб бормоқда. Нега чақалоқлар сотилмоқда? Мақсад чақалоқни сотиб даромад кўришми, ёки ундан қутулишми?

2021 йилга келиб одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сони 6 баробарга камайган. Масалан, 2012 йилда 574 та

одам савдоси билан боғлиқ жиноят қайд этилган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 94 та, 2020 йилда эса 74 тагача камайган. Бироқ таҳлиллар ушбу даврда чақалоқлар ва болалар савдоси улуши сурункали равишда ортиб бораётганини кўрсатади.

2017–2020 йиллар ўтказилган тезкор тадбирлар давомида чақалоқ савдоси билан боғлиқ 185та жиноят аниқланган. Жумладан, 2017 йилда 69та, 2018 йилда 46та, 2019 йил 41та, 2020 йилнинг 11 ойида 34та ана шундай жиноятлар аниқланган. Мазкур ҳолатлар бўйича жиноят ишлари кўзғатилиб, айблов хулосаси билан тегишли тартибда судга оширилган. Бу жараёнда чақалоқни сотганларга ҳам, уларни сотиб олганларга ҳам, шунингдек, ўртада воситачилик қилганларга ҳам қонуний чоралар кўрилган. Ачинарлиси воситачиларнинг 32 фоизи тиббиёт вакиллари ташкил қилган.

Ҳозирги жиноятлар таҳлилидан келиб чиқсак, расмий никоҳ орқали оила қурганлар эмас, кўпинча, никоҳсиз туғиб қўйган қизлар фарзандларини сотиши ҳолатлари аниқланган. Ҳомиладор бўлиб қолганини ота-онасидан яширади, маҳалла-кўйдан яширади. Бошқа вилоят ёки шаҳарга бориб болани туққач, туғдиришга ёрдам берган воситачилар орқали болани сотиш ҳолатлари кўп.

Юқорида келтирилган чақалоқ савдоси бўйича статистика рақамлари тезкор тадбирларда аниқланган ва жиноят иши кўзғатилган ҳолатлар ҳисобланади. Бугунги кунга қадар ноқонуний сотилгану лекин аниқланмаган чақалоқлар сони қанча экан? Сотилган чақалоқларни кейинги тақдири нима бўлапти..? сотилган чақалоқлар ота



оналар томонидан фарзандликка олинаяптими, ёки бошқа мақсадларда фойдаланилаяптими?

Чақалоқ савдосининг кўпайиб бораётганига аксарият ҳолларда боланинг онаси ижтимоий ҳимояланмагани, моддий кўмакка муҳтожлиги ёки турмуш қурмаган қизларнинг ҳомиладорлигини оиласидан яширишга уриниши сабаб бўляпти. Бундан ташқари, у фарзанд кўрмаган оилаларда чақалоқларни сотиб олишга эҳтиёж катталиги, болани сотишдан юқори моддий манфаат топиш имкони мавжудлиги, она ҳомиладор бўлган вақтдан бошлаб бола туғилгунга қадар ўтган вақт орасида чақалоқ савдосига йўл қўймаслик бўйича самарали механизм ва қонунчилик базасининг йўқлиги ҳам ушбу муаммонинг илдиз отишига замин яратяпти.

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссиясининг навбатдаги йиғилишида маълум қилинишича 2017–2020 йиллардаги ҳолатлар таҳлилига кўра, ўз чақалоғини сотган аёлларнинг 31 фоизи бу ишга оғир ижтимоий-иқтисодий вазият туфайли, 17 фоизи ҳомилани яширишга ҳаракат қилгани учун, 52 фоизи эса моддий манфаат топиш йўлида қўл урган.

Йиғилишни олиб борган комиссия раиси Танзила Норбоеванинг қайд этишича, Ўзбекистонда одам савдоси

жиноятлари охириги 5 йилда 6 бараварга камайган, лекин унинг таркибида чақалоқ ва болалар савдоси салмоғи ҳар йили сурункали равишда ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда чақалоқлар савдосига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- боланинг онаси ижтимоий ҳимояланмагани ва моддий эҳтиёжлари таъминланмаганлиги;
- турмушга чиқмаган аёллар ҳомиладор экани ҳамда чақалоқни оиласидан яширишга уриниши;
- фарзанд кўрмаган оилалар томонидан чақалоқ асраб олишга эҳтиёж мавжудлиги;
- чақалоқ савдосининг олдини олишга қаратилган мукамал ҳуқуқий асоснинг йўқлиги.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, одам савдосининг жирканч кўриниши бўлган чақалоқ савдосини олдини олиш учун ишни оиладан, фарзанд, айниқса қизларни тарбиялашдан бошлаш керак. Қизларимизни миллий қадриятларимиз асосида тарбиялашимиз керак. Уларни турмушга чиқмасдан ҳомиладор бўлиб қолишига олиб келаётган омилларга қарши курашимиз керак. Фарзандликка олиш тартиб тамойилларини қайта кўриб чиқиш ва осонлаштириш лозим бўлади. Шундай қилсаккина биз бегуноҳ норасидаларнинг жиноят қурбонига айбланиб кетишини олдини олган бўламиз.

References:

1. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси Нью-Йорк 1989 й.1
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХII-сонли «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги қарори. 1992 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 1994 й. (93-94-б)